

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 27-iyul, shanba № 57 (15695)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Агар жаннат ерда бўлса...

Кўпқаватли уйда турамиз. Кунботар томондаги деразамиз тагида бир туп каттагина олма дарахти бўлиб, биз томонга эгилган йирик шохига ҳар йили мусичалар уя қуради. Табиатга ташна одамга шу ҳам эрмак экан: бир-бирининг патларини тумшуғи билан силаганча, «ку-ку»лаб дил изҳор қилган пайтлари томоша қилиб, завқланамиз. Бу беозор қушнинг кўзларига ҳеч қараганмисиз? Жуда гўзал-да!

Пастдаги кўшнимизнинг томорқа ишларига ҳуши йўқ. Шунданми, қаровсиз олманинг битта, ўша мусичалар ошён қилган шохи бу йил кўкармади. Энди қушларимиз келмайди, деб кўнглимиз чўкди.

Бир куни қизим ҳовлиқиб дераза қошига чорлади: — Ая, қаранг, мусичаларимиз!

Севиниб кетдим. Ажаб, қушлар ям-яшил новдаларга бепарво, айнан ўша қуриган шохга астойдил уя қураётган экан. Бу — уларнинг ватани эди.

Булар-ку, бир қуш экан. Курраи заминда азизу мукаррам қилиб яратилган, тафаккур отлиғ буюк саодат ато этилган одам зотида Ватан туйғуси қанчалар улкан, қудратли бўлишини тасаввур қиляпсизми?

Яқинда ойнаи жаҳон орқали саҳродаги бир қабила ҳаётидан ҳикоя қилувчи фильм кўрсатилди. Жазирама маконда қудуқ қазиб ҳам сув чиқариб бўлмас экан. Баҳорда ёққан ёмғирлар ҳовуз ва қўлмақларда тўпланганида сув захираси йиғиларкан. Кейинги ёғингарчиликкача етмаса, қабила аёллари туяга бўш мешларни ортиб, чўлнинг бошқа этагидаги ягона қудуқни излаб сафарга чиқар экан. Йўл азоби, ташналик машаққатларини айтмаса ҳам бўлади. Ҳаёт шу зайл давом этаверади. Гарчи қудуқдан бир неча чақирим нарида тамаддун бошланади. Лекин ҳеч ким саҳрони ташлаб кетолмайди. Чунки улар учун шу қақраган тупроқ — Ватан.

Кўп ўйлайман: бизга шундай Ватан бердики, таърифига жаннат боғларидан ўзга қиёс ярашмайди. Тупроғи олтин, неъматлари мўл, осмони мусаффо, ҳавосида ҳурлик эпкини кезади. Буюк келажак аталмиш нурли манзилни кўзлаб сафарга чиққан юртнинг ҳар бир гўшасида ҳаракат, ривожланиш одимлари. У бугун дунё назарида. Шундай Ватани севмай бўладими?

Кўп ўйлайман: доно ва одил подшо бергани учун яратганга яна минг шукр! Жаҳондаги бутун бир элатлар уруш, қашшоқлик, иқтисодий инқироздан азият чекаётган бир пайтда мамлакатимизда дунёни лол қолдирадиган бунёдкорлик ишлари олиб борилаёттир. Туб ислохотлар, ривожланиш, мустақил бўлганига эндигина 22 йил бўлган мамлакатнинг тараққиёт сари дадил қадамлари Президентимиз Ислам Каримовнинг оқилона сиёсати туйғайли эмасми? Қаранг, истиқлол йилларида юртимиз қанчалар камол топди, сайқаллашди!

(Давоми 5-бетда)



Навоийда иккита янги корхона ишга туширилди

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида иккита янги корхона ишга туширилди.

Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг шу йил 22 июлда эълон қилган маълумотларига кўра, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида автомобиль газ баллонлари, арматура ва полимер маҳсулотлари иш-

лаб чиқариш бўйича иккита янги лойиҳа жорий этилди. Ҳозирга келиб мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонада умумий баҳоси 58 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 6 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси 564 минг гектар майдонни қамраб олган. Бу ҳудудда махсус соддалаштирилган божхона, валюта, солиқ тартиблари жорий этилган. Шунингдек, ҳудудда норезидент фуқароларнинг

меҳнат фаолияти, яшаши ва келиш-кетиш тартиблари бўйича бир қатор имтиёз ва енгилликлар ҳамда преференциялар белгиланган.

Мутахассисларнинг фикрича, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу фикрнинг тасдиғи учун биргина мисол келтирамиз — мазкур эркин индустриал-иқтисодий зона

ташкил этилгандан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна бир қатор лойиҳалар амалга ошириш босқичида турибди.

«Туркистон-пресс»

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Тўрткўл туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз» мавзуида интерфаол ўйинлар ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилди.

Унда оромгоҳнинг «Машъал», «Жайхун», «Истиқлол», «Хумо» гуруҳлари «Камолот» фаоллари томонидан олиб борилган «Ер, сув, осмон», «Тимсоҳ», «Электронлар», «Ха-ҳа» номли интерфаол ўйинлар ҳамда спорт мусобақаларида ўзаро беллашди. Умумжамоа ҳисобида «Машъал» гуруҳи биринчи ўринни қўлга киритди.

«Футболимиз келажаги» республика мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди. Дастлаб Ангрен, Бекобод шаҳарлари ҳамда Зангиота, Қибрай туманларидан келган 9-10 ёшли ҳаваскор футболчилар майдонга тушди.

Яқуний натижага кўра, бекободлик ёшлар мусобақасининг республика босқичига йўл олди. 11-12 ёшлилар ўртасида ўтказилган мусобақада Зангиота ва Чиноз тумани, 13-14 ёшлилар ўртасидаги беллашувда эса, Олмалик шаҳри ва Зангиота тумани жамоалари тўп тепишди. Ҳар иккала турда ҳам Зангиота тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйига қарашли болалар оромгоҳида «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбир давомида «Камолот»чилар томонидан турли ўйинлар, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Оқдарё туманидаги «Оқдарё» болалар оромгоҳида «Камолот» соврини учун футбол бўйича оромгоҳ биринчилиги ўтказилди.

Мусобақада оромгоҳнинг «Лочин», «Парвоз», «Оқ кабутар», «Камалак» жамоалари ғолиблик учун майдонга тушишди. Қизиқарли лаҳзаларга бой бўлган ўйин якунида «Оқ кабутар» жамоаси ғалаба қозонди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



Bolaning begonasi bo'lmaydi



Эзгу ишда биргамиз!

Вояга етмаган ёшларнинг ёз мавсумида мазмунли дам олишини таъминлаш ва тарғибот тадбирларини амалга ошириш мақсадида Учтепа туманида жойлашган «Гулбахор» оромгоҳида «Мустақил она юртимизга муносиб фарзанд бўлайлик!» шиори остида вояга етмаганлар учун тарбиявий ва маънавий соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Ушбу оромгоҳдаги тадбирлар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, халқ таълими бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бошқаруви ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Дастлаб иштирокчиларга оромгоҳнинг мақсад ва вазифалари тушунтирилиб, улар «Нафосат», «Баркамол авлод», «Аъло», «Омад», «Ватан пахлавонлари», «Ҳарбийлар», «Президент фарзандлари» гуруҳларига бўлинишди. Сўнг «Танишув» ўйинида гуруҳ сардорлари сайланиб, гуруҳ шиори ва деворий газетаси тайёрланди.

— Ҳар бир гуруҳга биттадан психолог, Тошкент шаҳар маънавий тарғибот маркази вакили, «Камолот» фаолларидан иборат гуруҳ тарбиячиси ва етакчиси ҳамда иккитадан сардорлар кенгаши аъзолари бириктирилган, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати раҳбари Ўткир Маҳкамов. — Оромгоҳга «тенгдош-тенгдошга» тамойилига таянган ҳолда ўқишда бир оз сушт, турли йўللارга мойиллиги бор вояга етмаганлар билан бирга, уларга намуна бўла оладиган фаол тенгдошлари ҳам жалб этилган. Бу ерда махсус дастур асосида «Мустақил она юртимизга муносиб фарзанд

бўлайлик!» шиори остида спорт мусобақалари, «Сиз «Камолот»ни биласизми?» мавзуида семинар-тренинг, «Камолот» экспресс» ўйини, «Шарафдақиқаси» кўрик-танлови, «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз! ОИТСсиз келажак сари» мавзуида расмлар чиқиш ва кўргазма ташкил этиш, психологик семинар-тренинглар ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида» асари юзасидан давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Оромгоҳга жалб этилган психологлар ўсмирлар билан суҳбатлашиб, уларга зарур маслаҳатлар беришяпти.

— Ўсмирларнинг ҳам ўзларига яраша муаммолари, ҳеч кимга айтолмай юрган гаплари бўлади, — дейди «Президент фарзандлари» гуруҳи психологи Азизбек Нишонов. — Улар билан индивидуал тарзда шуғулланиб, қизиқиш ва қобилиятларини ўрганиш учун турли психологик методлардан фойдаланаяпмиз.

Оромгоҳда вояга етмаганлар ўртасида профилактик тарғибот тадбирларини ўтказиш мақсадида Ҳамза, Сергели, Учтепа туман ички ишлар бўлимларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси инспекторлари ҳам жалб этилган.

— Оромгоҳда кун тартибидagi тадбирлар яхши режалаштирилган, — дейди Ҳамза тумани ИИБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси гуруҳи катта инспектори, майор Шаҳзода Отабоева. — Айниқса, спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган тадбирлар сони кўпайган. Оромгоҳга жалб этилган вояга етмаганлар учун «Тошкент ёшлари гиёҳвандликка қарши», «ОИТС — аср вабоси», одам савдоси ва бошқа иллатларга қарши кураш бўйича семинар-тренинглар ўтказиб, улар билан юзма-юз суҳбатлашяпмиз. Қизларга кийиниш маданияти ҳақида зарур маслаҳатлар бериб боряпмиз.

Оромгоҳда иштирокчиларнинг саломатлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда педиатр Рисолат Жўрабекова ҳамда ҳамшира Надежда Матчоновна болаларнинг саломатлиги билан бирга, овқатларнинг сифати ва чўмилиш ҳавзасининг гигиеник ҳолатини назорат қилишади.

Оромгоҳда иқтидор эгаларини кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг орзулари бир дунё. Масалан, Бектемир туманидаги 290-мактаб ўқувчиси Моҳинур Султонова келажакда шифокор бўлиб, саратон касаллигининг давосини топмоқчи. У бу йил биология фан

олимпиадасида Тошкент шаҳри ғолиби бўлиб, республика босқичида қатнашган. Натижада июнь ойида Бўстонлик туманидаги «Куёшли» болалар интеллектуал соғломлаштириш оромгоҳида дам олиб қайтди. Бир йилдан буён тумандаги «Нихол» спорт мажмуасида бадий гимнастика билан шуғулланиб келади.

— Ўқишдан бўш вақтимда турли ўсимлик барглари устида тажриба ўтказиб тураман, — дейди Моҳинур. — Интернетда электрон дарсликлар ўқишга, турли фанларга оид тестларни ечишга қизиқаман. Илм ўрганиш билан бирга, спорт билан ҳам мунтазам шуғулланиб бораман. Оромгоҳдаги шароитдан хурсандимиз. Бу ерда психолог Мукаррам Ориповадан кўп нарса ўрганипман.

Бундай беғубор қалб эгалари билан соатлаб гаплашганда кам. Эндигина 3-синфга ўтган Файзулла Файбуллаев ҳам келажакда ким бўлишини дадиллик билан айтмоқда: тадбиркор!

Оромгоҳ дастури доирасида «Вояга етмаганлар ўртасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» мавзуида давра суҳбати ҳам ташкил этилиб, иштирокчиларнинг мавзу юзасидан тайёрлаган саҳна кўриниши намойиш этилди.

Оромгоҳнинг тантанали ёпилишида эстрада хонандалари қатнашди. Иштирокчиларга сертификатлар, фахрий ёрлик ва дипломлар топширилди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган суратлар

Ёшлар ижодидан намуналар

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида ёш ижодкорларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

Обод турмуш йилига бағишлаб «Обод юртининг гўзал ёшлари» деб номланган ушбу кўргазмада пойтахтимиздаги Камолитдин Беҳзод номидаги миллий расмлик ва дизайн институти ҳамда П.Беньков номидаги санъат коллежида таҳсил олаётган ёшларнинг юзга яқин асари намойиш этилмоқда. Улар ранг-тасвир, графика, манзара, натюрморт,

амалий санъат асарлари намуналари, ҳайкалтарошлик, либослар дизайни бўлиб, томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этди.

Кўргазмада ёш мусаввирлардан Гулойим Қобулбекованинг «Нон билан натюрморт», «Анорлар», «Мачит», «Қиз портрети», «Қизил куйлак кийган аёл», Бахтиёр Серекеевнинг «Автопортрет», «Қиз порт-

рети», «Қор пейзажи», «Қовун натюрморти», «Қовоқ натюрморти», Мийрасхон Сержанованинг «Йўл», «Овул манзаралари», «Булутли кун», «Тошкент. Муқимий театри» картиналари, Ойбўлған Давлетназарованинг гипсдан ишланган «Қорақалпоқ келини», сополдан ясалган «Қорақалпоқ қизи» ҳайкаллари, ёғоч ва гипсдан ишланган миллий либослардаги кўғирчоқлари, Ойжамол Исмоилова ва Ойдин Далиеванинг миллий кўринишдаги замонавий либослар коллекцияси кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Кўргазма мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами кунларига давом этади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири

Кўргазма

Бунёдкорлик фасли давом этади

Ҳашаматли, кўрган кўзни қувнатадиган, намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган уйларда яшашни ким ҳам истамайди. Бундай тураржойларда нафақат фаровон ҳаёт кечириш, балки унинг қурилишида иштирок этиш ҳам тенгдошларимиз учун завқли, фойдали машғулотга айланыпти.

Айни пайтда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Жойилма қишлоғига борган киши намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган уйлар қурилишида астойдил меҳнат қилаётган «бунёдкор»чи тенгдошларимизни кўриб, бунга яққол ишонч ҳосил қилади. Жазирама иссиққа парво қилмай, қўлни қўлга бериб, ҳамжихатликда меҳнат қилаётган ёшлар ғайратидан кўнгил тўлади. Ва ўша аснода, бу йигитларни шижоатга, меҳнаткашликка нима ундади экан-а, деган ўй кечади ҳаёлдан.

— «Бунёдкор» сафида ишлаш мароқли, — дейди Термиз давлат университети талабаси, «Бунёдкор» меҳнат гуруҳи аъзоси Уктам Тўраев. — Бу ерда ишлашнинг завқи, албатта, биринчи галда моддий манфаатдорлик билан боғлиқ эмас. Бошқа иш қилиб ҳам ёзда шунча пул ишлаб олиш мумкин. Гап юртимиз бунёдкорлигига қўшаётган ҳиссамизда. Бугун



ҳар бир тенгдошимиз Ватанимиз равнақи учун бор куч-ғайратини сарфлапти, унинг тараққиёти йўлида хизмат қилапти. Биз ҳам фидойи тенгқурларимиздан ортда қолишни истамаймиз, ахир. Қолаверса, келгуси ҳаётимиз учун зарур бўлган хунарларни ўрганимиз.

Бу йил «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббус кулочини кенгроқ ёйди. «Бунёдкор — 2013» ёшлар меҳнат ҳаракатини ташкил этиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби ҳамда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижро учун тегишли ташкилотларга юборилди. Бу бўйича ҳудудий ва маҳаллий

бошқарув штаблари, таълим муассасалари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида вилоятдаги қатор йирик ташкилотлар масъулларидан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан маҳалла фуқаролар йиғинларида вақтинча ишсиз ёшлардан меҳнат гуруҳларини тузиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, меҳнат ва техника хавфсизлиги бўйича ўқувлар ташкил этиш тўғрисида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирлар самараси ўлароқ, Уктамжонга ўхшаган тилидагию дилидаги гапи бир, мақсади аниқ, ғайратли

«Kamolot» loyihalari

ёшлардан 76 та меҳнат гуруҳи тузилди. «Бунёдкор»чиларнинг 925 нафари талабалардан, 767 нафари эса, маҳаллалар ёшларидан иборат. Меҳнат гуруҳлари аъзоларининг асосий қисми Термиз шаҳри, Термиз ва Шўрчи туманларидаги кўп қаватли ҳамда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилишига жалб этилган.

— Иш унумли бўлишида шароитнинг ҳам аҳамияти катта. Шунинг эътиборига олиб, «Бунёдкор» меҳнат гуруҳларида ишлаётган ёшларга қулай шароит яратишга ҳаркат қиялдимиз. Айни пайтда «бунёдкор»чилар тураржой, иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий хизмат, тоза ичимлик суви, иш ҳақи билан таъминланыпти, — дейди «Камолот» ЁИХ фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудирини, ҳудудий бошқарув штаби доимий ишловчи ходими Умид Кулмаматов. — Турли маданий-маърифий тадбирлар билан уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришига ҳаркат қиялдимиз. Фаол ёшлар рағбатлантириляпти.

«Бунёдкор — 2013» ҳамон қизғин паллада. Унга тенгдошларимизни кўпроқ жалб этиш мақсадида вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида ёшлар меҳнат гуруҳларига чорловчи реклама роликлари, эшиттириш ва мақолалар берилмоқда.

Ватанимизни янада обод, гўзал ва бетакрор юртга айлантириш туйғуси тенгдошларимиз юрагида машъала бўлиб порляпти. Машъалаки, ватанпарварлик, меҳнаткашлик, бунёдкорлик фазилатларини ўзида мужассам этиб, улғу мақсадларга мустаҳкам замин қўймоқда.

Хайридин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан вилоятнинг барча ҳудудларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида фестиваль бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль доирасида Навоий олимпия захиралари коллежида хотин-қизлар ўртасида волейбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда «Навоийазот» ОАЖ, «Кизилқумцемент» ОАЖ, вилоят касаба уюшмалари федерацияси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, Навоий давлат педагогика институти, Навоий давлат кончилиқ институти, Навоий олимпия захиралари коллежи, вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази жамоалари ўзаро беллашди.

Мусобақа якунига кўра, Навоий олимпия захиралари коллежи жамоаси биринчи ўринни, Навоий давлат педагогика жамоаси иккинчи ўринни, «Навоийазот» ОАЖ жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Учкўприк туманидаги 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаб-интернати қошида «Баркамол авлод», 7-мактабда «Дўстлик», 32-мактабда «Нихол» стационар оромгоҳлари ташкил этилган.

Бугун ушбу оромгоҳларнинг ҳар бирида юздан ортиқ болалар ҳордиқ чиқаришляпти. Мазкур оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олишлари учун «Ёзни «Камолот» ва «Камалак» билан!» лойиҳаси ўтказилмоқда. Лойиҳа доирасида «Ўзбекистон маданияти», «Хитой маданияти», «Бразилия маданияти», «Англия маданияти», «Ҳиндистон маданияти», «Арабистон маданияти» кунлари ҳамда Истеъдодларни излаймиз кўрик-танлови, «Кувноқ футбол» мусобақаси, «Заковат» интеллектуал ўйини, «Камалак»-экспресс каби қизиқарли ўйинлар ташкил этиляпти.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Шеробод туманидаги «Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида «Ёзни «Камолот» ва «Камалак» билан!» лойиҳаси ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида «Камолот» ва «Камалак» — доим бирга бўлажак! акцияси, «Ёз — ўтмоқда соз» спорт мусобақалари, «Рақс гулшани» кўрик-танлови, «Камолот» ёғдуси асфальтга расм чизиш танлови ўтказилди. Шунингдек, гуруҳлар ўртасида «Бизнинг оромгоҳ» шиори остида «Энг яхши гуруҳ», «Энг саришта хона», «Энг яхши деворий газета», «Оромгоҳнинг фаол иштирокчиси» номинациялари бўйича беллашув бўлиб ўтди. «Биз истиқлол фарзандларимиз!» мавзусида ўтказилган танлов ном ва наср йўналишида ижод қилаётган ёш қаламкашларни аниқлаб берди.

Ёзни «Камалак» билан



Бешариқ туманидаги «Юлдуз» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Камалак» болалар ташкилотининг «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

Тадбир тумандаги 2-мактаб ўқувчиси Шаҳриёр Раҳимовнинг суратлар кўргазмаси билан бошланди. Болалигидан сурат чизишга қизиққан Шаҳриёр Бешариқ туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг тасвирини санъат тўрагида устозлари кўмағида ўз истеъдодини намойён этиб, шакллантириб бормоқда. Шаҳриёрнинг кўргазмага қўйилган ўттиздан ортиқ ижодий иши

тенгдошларида катта таассурот қолдирди.

Оромгоҳда Фарғона вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси Тоҳиржон Шокиров бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткор, спорчи ва турли республика кўрик-танловлари иштирокчилари болаларга қувончли дақиқаларни ҳаёда этди.

Тадбирни тумандаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси халқ чолғу созлари ижросидаги куй-қўшиқлари билан давом эттирди. «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали республика босқичи ғолиби Асадбек Солижонов ижросидаги кўшиқлар, Фарғона санъат коллежи ўқувчиси Нодирбек Азимовнинг кўғирчоқ ўйини, Марғилон шаҳар 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг «Тантана» рақс дастаси чиқишлари, юнон-рум кураши бўйича республика чемпиони Элдор Рўзибоев билан суҳбат оромгоҳ ёшларига манзур бўлди.

— Ушбу оромгоҳда ҳар йили дам оламан. Бу ерда шароит яхши. Бир-биридан қизиқарли тадбирлар ўтказиб борилади. Бу йилги учрашувлар ҳам, тадбирлар ҳам ҳар йилгидан зўр. Бугунги тадбир барчамизга манзур бўлди, — дейди 24-мактаб ўқувчиси Улғубек Маҳмудов.

Тадбирда «Ўзбекино» Миллий агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бўлими томонидан республика кинофондидан ажратилган бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

«Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам давом этмоқда.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Хумлар шаҳридаги ноёб топилма

Хоразм вилоятида 2010 йилдан буён қазилма ишларини олиб бораётган археологларимиз Ҳазораспдаги Хумбузтепа ёдгорлиги худудидан зардуштийлар ибодатхонаси қолдиқларини топишди. У милoddан аввалги IV асрга оид бўлиб, Ўрта Осиё худудидagi энг қадимги ибодатхоналардан ҳисобланади.



Хумбузтепа ёдгорлигида тадқиқот ишлари истиқлол даври ва ундан олдинги йилларда бир неча мартаба олиб борилган. Уч йил аввал бу ерда Хоразмдаги Маъмун академияси ва Ўзбекистон Миллий университетидаги бир гуруҳ кўзга кўринган тарихчи ва археолог олимлардан ташкил топган янги экспедиция фаолият бошлади. Экспедиция аъзолари орасида ёш олим ва тадқиқотчилар ҳам бор. Улардан бири — Маъмун академиясининг кичик илмий ходим-изланувчиси Шихназар Раҳимов. Қаҳраонимиз Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетини археология йўналиши бўйича тамомлаган. Айти пайтда «Хоразм воҳасида урбанизация жараёнида этно-маданий муносабатлар ва уларнинг Хоразм цивилизацияси шаклланишидаги ўрни» мавзудаги докторлик диссертацияси юзасидан илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Экспедициямизга тарих фанлари номзоди Сергей Баротов раҳбарлик қилмоқда, — дейди Шихназар Раҳимов. — Тадқиқот юқори илмий қиммат касб этгани боис, давлат гранти доирасида бажарилмоқда. Қадимда Хумбузтепа ёдгорлиги йирик кулолчилик маркази бўлган. Юртимиз худудида бундай марказлардан яна бири Афросиёб (ҳозирги Самарқанд шаҳри) яқинида топилган. Хумбузтепада илгари олиб борилган тадқиқотлар натижаси ушбу

худудда қайноқ ҳаёт милoddан аввалги VI асрдан милoddий IV асргача давом этганини кўрсатди. Архаик ва антик даврнинг илк босқичларида хумбузтепалик кулоллар Хоразмнинг катта худудини сопол буюмлар билан таъминлаб туришган. Ёдгорликка Хумбузтепа деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Хум ёки хумбуз сўзлари «сopol идиш» маъносини англатади. Ёдгорлик худуди, асосан, текисликдан иборат бўлиб, унинг юзаси кўплаб сопол буюмларнинг қолдиқлари билан қопланган. Топилмалар Хумбузтепада кулоллик узоқ вақт давом этганидан далolat беради. Улар ноёб тарихий ашё бўлиш билан бирга, Хоразм воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланишига доир янги маълумотларни тўплаш имконини ҳам беради.

Таъкидланганидек, Хумбузтепа археологлар томонидан бир неча мартаба ўрганилди. Бироқ бу галги экспедиция чоғида ёдгорлик худудидан зардуштийлар ибодатхонасининг топилиши чинакам янгилик. Олимлар томонидан ибодатхонанинг кичик зали очилиб, тадқиқ этилмоқда.

— Шубҳасиз, мазкур топилма юртимиз тарихини янги тафсилотлар билан бойитишга ёрдам беради, — давом этади ёш олим. — Зеро, Ватанимиз дунё тамаддунининг бешиги эканлиги жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган. Тадқиқотимиз ҳам бу фактни исботлаётди. Шахсан ўзим экспедиция таркибида етакчи олимлари-

миз билан ёнма-ён ишлаб, археология соҳасидаги билимларимни янада оширишга муваффақ бўлдим. Тарих фанига мактабда ўқиб юрганимдаёқ меҳр кўйганман. Бунда ўқитувчим Абдушариф Абдуллаевнинг ҳиссаси катта. Хоразмда туғилиб-ўлғайганим туфайли менда доимо шу ўлқанинг тарихи, айниқса, шаҳарсозлик маданияти алоҳида қизиқиш уйғотиб келган. Магистрлик диссертациям Хоразм ва Сўғд савдо йўлларидаги карвонсаройлар тарихига бағишланган эди. Бу иш қадимги Хоразм давлатчилигидаги этно-маданий муносабатларга оид тадқиқотларни бошлашимга туртки берди. Ҳозирги илмий ишим доирасида милoddан аввалги I мингйиллик ўрталаридан IV асргача бўлган давр қамраб олинган. Келгуси илмий фаолиятим давомида IX — XI асрларда Хоразм шаҳарсозлиги тарихини чуқур ўрганишни режалаштирганман.

Шихназар Раҳимовга ўхшаган илмий салоҳияти юқори ёшлар бугун ўз ақлзаковати ила мамлакатимизнинг ёрқин келажак учун мустақкам пойдевор ҳозирламоқда. Улар истиқлол замонида улғайди, мустақиллик берган кенг имкониятлар, жумладан, замонавий таълим муассасаларида билим олиш, соғлом ва рақобатбардош илмий муҳитда тарбияланиш, илмий иқтидорини жаҳон миқёсида намоён этиш, керак бўлса, дунёнинг кўзга кўринган олимлари билан биргаликда долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, Ватанимиз тарихини янги муҳим маълумотлар билан тўлдириш ва ниҳоят, оламшумул кашфиётлар қилиш имкониятига эга. Буларнинг барчаси ҳаётимизда содир бўлаётган реал ҳолатлардир ва барчасини рўёбга чиқариш учун юртимизда кенг шароит яратилган. Янги авлод вакилларининг интеллектуал кучи ҳам ана шу имкониятларга муносиб.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» муҳбири


Кўхна ёдгорлик Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган буюк Кушонлар салтанати даврида бунёд этилган эди. У ҳозирги Даргом канали атрофидаги 16 гектар майдонда жойлашган бўлиб, арк, шаҳристон ва работ қисмларидан иборат. Ёдгорлик ўтган асрнинг 20-йиллариданоқ олимлар эътиборини ўзига жалб қилган. Бу ерда бир неча бор йирик археологик қазилма ишлари олиб борилди. Бундай тадқиқотлар мустақиллик даврида, айниқса, жонланди. 2001 йилдан Кофирқалъа ёдгорлиги худудида Ўзбекистон-Италия кўшма халқаро илмий экспедицияси фаолият кўрсатмоқда. Экспедиция республикамизда етакчи археолог олим А.Бердимуродов раҳбарлигида ташкил этилган бўлиб, унга Ўзбекистон ФА археология институти илмий ходимлари, Самарқанд давлат университети ҳамда Италиянинг Болония университети мутахассислари, шунингдек, Ўзбекистон ва италиялик бир гуруҳ талаба-ёшлар жалб этилган.

Истиқлолдан аввалги даврда Кофирқалъа ёдгорлигида кулолчилик қатламлари очиб ўрганилди. Бу ердан кулолчилик печи, кўплаб сопол идишлар, дастали кружкалар, товоқлар, ингичка бўйли кўзалар, тақинчоқлар ва ҳайкалчалар топилган. Ушбу топилмалар V — VII асрларга оидлиги аниқланган. Кейинчалик ёдгорлик жойлашган тепаликдан пахса ва хом гиштдан тўғри тўртбурчак шаклида қурилган хоналар очилиб, тадқиқ қилинди. Қизиғи шундаки, бу хоналар қандай функцияни бажаргани хусусида олимларда турли тах-



Тарих — тилсим. Нега асрлар ўтса ҳам, у олимлар олдида янгидан янги саволларни кўйиб келаверади. Ўзбекистонни, тарихий синоатларга бой ўлка, деб аташ мумкин. Мамлакатимиз худудида ўтмиш ҳақида сўзловчи не-не археологик ёдгорликлар аниқланмаган дейсиз? Масалан, Самарқанд туманида жойлашган Кофирқалъа ёдгорлиги илк ўрта асрлар давлатчилиги ва шаҳар маданиятига оид ноёб маълумотларни ўзида сақлаб келмоқда.

Арк, шаҳристон ва работ



минлар ва, ҳатто қарама-қарши фикрлар шаклланди. Айрим манбаларда иншоот қишлоқ кўрғони, унинг марказий хоналари эса, деҳқон кўрғони бўлгани тўғрисида тахмин қилинади. Бошқа тадқиқотчилар хоналар даҳма сифатида хизмат қилгани, марказий хоналарда оссуарий (вафот этган одамнинг суякларини солинадиган махсус идишлар) сақланганини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, археологлар ички хоналар деворларида тор тешиклар қолдиқларини топишган. Уларнинг вазифаси хусусида ҳам тугал фикр мав-

жуд эмас. Турли тахминларга кўра, бу тешиклардан хоналарни иситиш ва ёзда шамоллатиш, ҳаво алмаштириш мақсадида ёки ёритиш тизими сифатида фойдаланилган.

Бугунги кунда юртимиз ва Италия археологлари Кофирқалъа ёдгорлигининг арк қисмини тадқиқ этишмоқда. Дастлаб арк дарвозасининг кириш қисми ўрганилиб, бу ердан кўплаб сопол буюмлардан ташқари, уч юзга яқин буллар топилган. Булар муҳр вазифасида ишлатилиб, лойдан қўлда ясалган. Уларга ҳукмдор ёки бирор бой амалдорнинг тасви-

ри туширилган. Бу эса ёдгорлик тарихий манбаларда тилга олинган ҳукмдорнинг қароғоҳи бўлганини тасдиқлайди.

— Ҳозирга қадар ёдгорлик аркидан беш юзга яқин булларнинг нусхаларини қазиб олдик, — дейди Ўзбекистон-Италия кўшма халқаро илмий экспедицияси аъзоси, Болония университети археолог-олими Симона Мантеллине. — Буларга туширилган тасвирларга қараб, уларни уч турга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга оид булларда аёл кишининг бош қисми тасвирланган. Иккинчи турида

аёл киёфасидаги худолар тасвири акс этган. Тамға ва белгилар тасвири туширилган буллар учинчи турга мансуб. Бундай ноёб топилмалар қадимда ёдгорликда давлатчилик ишлари ҳамда бу ердаги ҳукмдорларнинг бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалари яхши ривожланганидан далolat беради.

Экспедиция давомида арк кўрғони, яъни ҳукмдорлар бевосита яшаб, фаолият юритган хоналардан сопол идишлар, тош, темир, бронза ва ёғочдан ясалган буюмлар, тангалар ҳам топилди.

Ўзбекистон-Италия кўшма халқаро илмий экспедициясида иштирок этаётган талаба-ёшлар мазкур илмий лойиҳадан мамнун.

— Бу йил Кофирқалъа ёдгорлигида италиялик тенгдош ҳамкасбларимиз билан бирга археологик дала амалиётини ўтадик, — дейди Самарқанд давлат университети тарих факультети талабаси Расул Очилов. — Хорижлик археологлар билан тажриба алмашиш асносида билим ва кўникмаларимни анча мустақкамладим. Илмий экспедиция ишида қатнашиб, тарихимиз қанчалик чуқур илдиизларга эга экани, аждодларимиз бой маданият соҳиблари бўлишганига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласан, киши. Буни ёдгорликдан топилган ашёвий материаллар, хусусан, сопол буюмлар, муҳр ва тангалар ҳам тасдиқлайди.

Комил РАҲИМОВ,
тарих фанлари номзоди

Ilmiy ekspeditsiya

Агар жаннат ерда бўлса...

(Давоми,
боши 1-бетда)

... Пойтахт сафаридан тун ярмида қайтишимизга тўғри келди. Шаҳарга кираверишда кўзим илинибди. Енгил силкинишдан хушёр тортиб, атрофга қарасам, ажиб серҳашам бир кентнинг нурафшон кўчасида елиб бораётимиз. Кенг йўлнинг икки четидан тунги чироклар саф тортиган, бир-биридан кўркам уйлар нимпушти ёғдуда сирли товланиб турибди. Махлиё бўлиб қолдим.

— Қаердамиз?
— Кортга кириб келдик, — деди ёнимдаги аёл.

Биз шаҳарнинг теннис корти мажмуаси бор қисмини шундай атардик. Бу бир тушга ўхшарди. Наҳотки, шу афсонавий шаҳар ўзимизнинг Фарғона бўлса? Қани тор йўл, пастқам бинолар? Қачон, қандай қилиб? Мана буни ривожланиш деса бўлади! Тасанно! Дилга яқин масканда тараққиёт чизгиларини кўриб, қалбим жунбушга келди: «Янги давр, юксалиш фасли муборак, қадрдон шахрим!» Кувонч ёшларимни сездирмай артдим...

Бундан уч-тўрт йил аввал Андижон шаҳрига саёҳатга борганимиздаги таассуротларим кечагидек ёдимда. Маҳобатли бинолар, ойнадек силлиқ йўллар, замонавий меъморчилик обидаларини кўриб лол қолган, кўнглимдан: «Ўх-хў-ў, Фарғонадан бир қадамгина нарида шунча ўзгаришлар бўлибди-ю, биз оқсаб қолиб кетибмиз-да», деган ўйлар кечганди. Тегирмон ҳам навбати билан, дейдилар. Вақт-соати келиб, бугун ўша ўкинчлар ўрнини ифтихор эгаллади. Шаҳримизнинг ҳар қаричида бунёдкорлик, янгиланиш ва яшариш манзаралари намоён бўлмоқда. Бир ҳафта кирмаган кўчасига йўл тушса, танимай қолади киши — иккита улов тенг келганда туртинадиган йўллар қулоч ёзиб кенгайган, яп-янги иншоотлар манаман деб турибди, сақланиб қолганларининг ичу таши оҳорли. Тубдан янгиланишларни кўриб, ўзинг ҳам қайтадан дунёга келгандек бўласан.

Муҳтарам Президентимиз 2011 йили Фарғонага ташриф қилганларида, шаҳарда улкан бунёдкорлик ишларига асос солган эдилар. Юртбошимизнинг «Фарғона шахрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси бугун шахримизнинг ҳар қаричида ўз ифодасини топмоқда. Бутунлай ўзгача, гўзал қиёфа касб эта бошлаган Фарғона

кўз ўнгимизда шаҳарсозликнинг замонавий ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор маъмурий-маданий марказга айланаётир. Ёшани яшаб бўлган бинолар бузилиб, янгилари қад кўтармоқда. Шаҳарнинг эскирган қиёфасига энг сўнгги андозаларда сайқал берилмоқда. Ҳа, Фарғонада тарихий давр бошланди. Беназир табиати, хушхаво клими билан донг таратган муаззам гўша гўё узок уйқудан кейин янги қиёфада уйғонаётир...

Энг муҳими — одамларнинг кайфияти кўтаринки. Фарғонанинг самимий, меҳнаткаш халқи шаҳарни юксалтириш ишларига жону дили билан камарбаста бўлмоқда. Чунки элнинг эртанги кундан кўнгли тўқ, катта меҳнат, ҳаракатлар замирида эзгу мақсад борлигини билади. Қаёққа қараманг, яратувчанлик истагида энг шимариб ишлаётган кишиларни кўрасиз. Усталарнинг қўли қўлига тегмайди, йўлсозларда тиним йўқ. На қор-қиров, на телбаваш шамоллар тўхта-толди уларни. Каттаю кичикнинг мақсад-матлаби битта — ободлик. Шаҳарсозлар сафида кўнгилли ёшларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Кексаларнинг қўли доим дуода.

— Киндик қоним шу шаҳарга тўкилган, — дейди маҳалламиз нуронийларидан бири Аминжон ота. — Фарғонанинг яхши-ёмон кунларига саксон йилдан бери шерикман. Қурилиш, тузатишлар илгари ҳам бўлган. Лекин бирданига бунча катта бунёдкорликни умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Иш йиллаб чўзиларди, битта янги бино тушса, дўппимизни осмонга отардик. Бунақа шароитлар қаёқда! Ҳозир қурилишларнинг жадаллигини кўриб, ақлим шошиб қоляпти. Ҳаш-паш дегунча уйларни битириб, йўлларни кенгайтириб қўйишяпти, шоввозлар. Яшаганинг сари яшагинг келади-я. Юртбошимнинг отасига минг раҳмат!

Дарҳақиқат, илгариги сусткашлик, боқимандалик, «кун ўтказиш» кайфияти бугуннинг кишисига бегона. Юрар йўли кенгайиб, уйи ярақлаётган, узоғи яқин, оғири енгил бўлаётган одам ғайрат қилмай бўлар эканми? Бу ғайрат ҳам, аслида, ватанпарварлик, юртнинг порлоқ келажигига дахлдорлик ҳиссининг бир кўриниши. Буни гапириб ўтирмайдилар, ҳаммаси одамларнинг ишидан, юз-кўзидан билиниб турибди. Инсон онг-шуури билан интилиб, қалбан истаб меҳнат қилса, оддий ишни санъат даражасида бажара олади. Бугун ҳар бир фарғоналик ўз шахрининг саноат-

кори, меъморига айланган. Юртни обод қилиш, яратиб-яшнатиш истаги одамларнинг руҳиятини юксалтирган. Бугун серкуёш шаҳарнинг ҳар бир фуқароси яна бир-икки йил ичида бу масканнинг қанчалар ўзгариб, гўзаллашиб кетишини аниқ тасаввур қила олади.

Ўзгаришлар эса кўп: бош режа лойиҳасида шаҳарда минг ўринли «Санъат саройи» ҳамда лазерли шоулар ўтказишга мўлжалланган 500 ўринли амфитеатр, рангли-музыкали фавворалар, кузги-баҳорги даврда фаолият кўрсатадиган аквариум, олтмишдан зиёд ҳар томонлама қулайликларга эга тураржой бинолари ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, янги болалар боғчалари, спорт мажмуалари, 20 минг томошабинга мўлжалланган футбол стадионини барпо этиш ва яна бир қанча аҳоли турмуш фаровонлигини оширувчи тадбирлар белгилаб қўйилган.

Яна қувонарлиси — марказидаги шиддатли бунёдкорлик вилоятнинг барча гўшаларида ўз аксини топмоқда. Чекка қишлоқлардаги равон йўллар, маданий-маърифий иншоотлар, баркамол авлод тарбиясига хизмат қилувчи мажмуаларни кўриб, дил яйраб кетади. Айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган замонавий типдаги уй-жойлар одамларнинг айна кўнглидагидай, ундан-да зиёда бўлаётир.

Бир хорижлик меҳмоннинг мана бу сўзлари кўнгилда мислсиз фахр туйғусини уйғотади:

— Ҳар томонлама қулай, кенг ва чиройли уйлар бизда ҳам бор, янгилари мунтазам қуриляпти. Аммо ер майдонларини тежаш учун кўпқаватли қилиб қурилади. Ўзбекларга жуда ҳавасим келади. Шундай замонавий қулайликларга эга уйларда, яна кенг ҳовлида эмин-эркин яшаш қандай яхши!

Фарғона ҳақида гап кетганда, унинг сўлим табиатига тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Шу ўринда яқинда бир водиллик ҳамюртимиз айтиб берган воқеа ёдимга тушди. Арабистонлик сайёҳлар Шоҳимардонсойнинг тўлиб-тошиб оқаётган ўйноқи сувини кўриб, машинани тўхташиб тушибдиларда, сой қирғоғига чўк тушиб ўтирганча зилол мавжларга термилиб қолибдилар. Уларнинг ёши улуроғи таржимонга кўзларидан дув-дув ёш тўкканча шундай деган экан:

— Бизга ота-боболаримиз жаннат ҳақида гапирганларида «унда сой тўла сувлар шарқираб оқиб туради», дегувчи эдилар. Жаннат деганлари шу бўлса керак!

Водийнинг гавҳарини жаннатмонанд деб таърифлаши-

миз ана шундан. Шу соф хилқатни асраш, табиатини янада бойитиш масаласи ҳеч вақт эътибордан четда қолмаган. Бош режада шаҳарнинг ландшафти, яъни табиий жойлашув, келгусида атроф-муҳит мусоффолигини таъминловчи шарт-шароитларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, истироҳат боғларини барпо этиш, водий иқлимига мос манзарали дарахт кўчатларини ўтказиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналарни худуддан кўчириб ташлаш каби экологик муҳим жиҳатлар белгилаб қўйилган. Шаҳар табиатининг янада кўркам бўлиши, соя-салқинлиги ва ҳавоси тозаллигини таъминлаш мақсадида беш минг тупдан зиёд каштан, эман, япон сафораси, каталфа ва игна баргли дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда. Аксарияти янги дарахт навлари бўлган ушбу кўчатлар келгусида шаҳарнинг тубдан ўзгарган қиёфасига янада кўрк, тароват бахш этмоғи шубҳасиз. Таъмирланган ва кенгайтирилган йўллар эса четларига дарахт ва гул кўчатлари экилган ҳолидагина қабул қилиб олинмоқда. Бир сўз билан айтганда, Фарғонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида шахримиз нафақат сайқал топади, балки экологик барқарорлик сари катта қадам ташлайди.

Беш-олти яшар қизалоқ эдим. Анор пушталарига эгат тортиб, тупроғини астойдил майдалаётган отамнинг ёнига бориб, нима қилаётганини сўрадим.

— Ёнғоқ экяпман.

Четроқда турган пақирчадаги пўсти юпқа ёнғоқ меваларини энди пайқабман.

— Нимага, ёнғоғимиз борку?

— Майли-да, — жилмайди дадам. — Энди кўпроқ бўлади.

— Ҳм. Қачон пишади?

У чамалаб кўраётгандек кетмон дастасига суянганча бир оз жим қолди-да:

— Йигирма йилда яхши мева бера бошлайди, — деди.

— Ўх-хў-ў! Шунча йил кутамизми?

— Нима қипти? Қачон пишади-ю, деб сен экмасанг, мен экмасан, унда ким экади? Биз емасак, биздан кейингиларга қолар.

Ҳовлимиздаги боғни ора-лаб юриб, ўша гапларни бот-бот эслайман. Мана ўша ёнғоқлар — баҳайбат, отамдек салобатли... Жуда зўр навидан экан, қўлда чақиб еяверасиз. Отамнинг ҳам оғзи тегди, энди фарзандлари, неварая-чеваралари баҳраманд бўлаётир.

Бугун биз ўтказаётган ниҳолларнинг кўпчилиги узок яшайдиган, умрбоқий дарахт

навлари. Ҳали қанча авлодларга соя беради, хушманзаралиги билан баҳри дилни очади, диёримиз ҳавосини тозалаб туради. Бир сўз билан айтганда, Ватан тупроғига эзгулик уруғи қадалмоқда.

Наинки Фарғонада, мамлакат миқёсида кенг қулоч ёйган бунёдкорлик саъй-ҳаракатларининг барчаси инсон учун, унинг фаровон турмуши, манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда. Ва бу ҳаракатлар марказида ҳам инсон турибди. У англаб, дилдан ҳис қилиб ободликка ҳисса қўшмоқда. Бу жуда муҳим. Мустақилликнинг 22 йиллиги байрами «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шior остида нишонланиши шу сабабли — бу халқнинг айна кундаги кайфияти, руҳий ҳолатининг ифодасидир.

Бир тутинган синглим бор, жуда жонсарак. Турмуш ўртоғи ҳар сафар четга ишлагани бориб, қуруқ қўл билан кириб келганида, «Шу ерда бир ишнинг этагини тутмади, бири икки бўлмапти», деб куюниб юрарди. Яқинда болалари билан хиёбонда сайр қилиб юрганларида учратиб қолдим. Суюна-суюна эрининг қурувчилар бригадасида ишлаётганини айтди.

— Ўзи ҳам хурсанд, берилиб ишляпти. Бошлиғи, доимий ишга оламан, яхшигина уста экансан, дебди. Қўлимиз пул кўриб, унча-мунча ҳаракатлар бошлаб қўйдик. Келаси ҳафта тўй.

Бу ҳали бошланиши. Бугунги ўзгаришлар шаҳарнинг замонавийлашиши, чирой очишигина эмас, том маънода ҳаётнинг яхшиланишига хизмат қилади. Эртага бу иншоотларда янги иш ўринлари яратилади, қанчадан-қанча одам меҳнат билан банд бўлади. Ҳозирданок чет эл сармоядорларининг Фарғона билан қизиқиб, ташриф қилаётганларидан ҳам маълум — бизни катта ишлар кутяпти.

Ҳозирча шаҳарнинг янги орази айрим лавҳа, парчаларда, у ер-бу ердагина намоён бўлмоқда. Бу гўзаллик лавҳалари бирлашиб, бор бўйи билан яхлит кўриниш берганида жонажон масканимиз қанчалар кўркам бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи дилга хузур бағишлайди. Фарғонага би-ир келарсиз ўшанда. Келинг, сизни гўзал ва муҳташам шаҳар кучоқ очиб кутиб олади!

Юртдаги ҳар қандай ҳодиса аввал ижод аҳлининг юрагидан ўтади. Айни кунда рўй бераётган ўзгаришлардан таъсирланиб қўлга қалам оларканман, бу заминни бору йўғи — жайдари одамлари, тоғу тошлари, чангу ғуборларигача нақадар севишимни ҳис этдим. Ана шундай хикосор туйғу бу — Ватанга муҳаббат. Айтсангайтмасанг, эсласанг-эсламасанг дилда мангу яшайверади. Рухингни юксалтириб, дунё кенгликларидан заррадай туюлган вужудингни улкан эзгуликларга сафарбар этиб, асрлар қошида лаҳзалик умрингга улугворлик бағишлаб туради. Ватанни ҳар қандай ҳолича севган бўлардик. Озод, обод Ватанни эса юз карра, минг карра ортиқ севсак, арзийди!

Гулчеҳра АСРОНОВА

Тўпга ўхшайдиган одамлар

(Пародия)

— Ўткир ака, сиз Болта номи билан машхурсиз. Дамингиз шунчалик ўткир эканки, сиз танкид қилган одамларнинг кўпи қайтиб кўкармай кетган, дейишадди. Негадир, кейинги пайтларда муборак овозингизни спорт шарҳларида эшитиб қолаёпмиз. Мана, исмингизга «тўп»ни қўшиб олибсиз? Футболга алоқдорлигим билансин, дегансиз-да?

— Ҳа, бу билан спортга ям калла қўяёпсиз, демоқчиси-мисиз?

— Йўғ-э, ундай деганим йўқ-ку!

— Ҳазил, укагинам, ҳазил! Умуман, англаган бўлсангиз, кейинги пайт-

сиз кўпинча ҳамма айтаётган гапнинг тескарисини айтасиз. Масалан, бугун кўпнинг фикрича, жамоамизни яшартириш керак. Майдонда югуриб эмас, юриб тўп тепаётганлар бор эмиш? Уларга яхши нафақа тайинлаб, энди бўлди, отагинам, хурматингиз жойидан силжимасдан, дам олишга чиқа қолинг. Телевизор қаршисида ёш ҳамкасбларингизни дуо қилиб ўтирсангиз ҳам бўлади, дейиш керак эмиш?

Чиройли куладиганлар саҳифаси



ларда ҳамма гапимга нукул тўпни қўшади-ган бўлиб қолганман. Айниқса, терма жамоамиз Қатар билан Жанубий Кореяга ютқазиб қўйганидан сўнг. Асабийлашсам, бўлди, футболчиман, деганни қаторлаштириб тўпга ўхшатгим келаверади. Юрсам ҳам, ўтирсам ҳам битта-битта «тўп»лаб сўкиб қоламан. Қолаверса, бу бошқаларга ибрат бўлсин, дейман. Масалан, айрим шарҳловчи иниларимиз бор, уларни «тўп ўйинини шарҳловчилар» эмас, «шарҳловчи тўплар», дейиш тўғрироқ бўлади.

— Менимча, сал ошириб юбордингиз, мавлоно! Тагин англиш ҳам кетяпсиз. Футболчиларимиз Қатарга ютқазгани йўқ. Менимча, ҳисоб 5:1 бўлган.

— Энди, ука, 5:1 бўлди нимаю, 1:5 бўлди нима, жаҳон чемпионатида чиқолмагандан кейин ютқазди, дейилади-да.

— Умуман, сизнинг фикрларингиз қизиқ, Ўткир ака...

— Ўткиртўп денг! Одамнинг отини тўлиқ айтиш керак, ука! Ким билан гаплашаётганингизни эсингиздан чиқарманг!

— Кечирасиз, Ўткир... Тўп ака, айтмоқчиманки,

Бақоев, ким тўпура — Бақоев, ким қахрамон — Бақоев! Бечора йигит ўзи ҳақида одамлар нималар дейишаётганини билса, тепа сочи тикка бўларди.

Менга қолса, мураббийларимизга Тўлаган Исоқов, Азамат Абдурайимов, Абдуқаҳор Маъруфалиев, Николай Ширшов, Игор Шквирич каби футболчиларни ҳам терма жамоага

жалб қилишларини маслаҳат берардим.

Эллиқдан ошиб қолган бўлсам, менимча, Игор Анатольевич бугунги ҳужумчилардан кўра чаққонроқ ўйнай олади. Азамат-ку, буларингнинг олдида тўпга боради ҳали! Анов кун телевидениега келганда кўрдим. Ўн саккиз яшар йигитчалардек сакраб-сакраб юрибди. Эпчиллигини юришидан билса бўлади. Майдонга туширсанг, ўн битта футболчингдан кўра кўпроқ гол уриш чўти бор.

— Ўткир тўп ака, бизни яна бир савол қизиқтиради. Жаҳон футболни ҳам кузатиб борасизми?

— Тўғриси айтсам, ҳар замонда кўзим тушиб

Футбол шарҳловчиси Ўткиртўп Болтаев билан суҳбат

қолади. Лекин баъзи фанатик-аҳмоқларга ўхшаб «Реал», «Барселона»ларни деб ўлиб-тирилмайман. Ҳе, ўша «барсаларинг»ни...

— Ҳай-хай, оғир бўлинг, оғир бўлинг.

— Ҳа, энди, ука, малларга ўхшаб силлиқ гапиролмайман, маъзур тутасиз...

— Баъзилар деганингиз ким?

— Жуда кўп. Яқинда интернет-блоглардан бирига адашиб кириб қолибман, денг. Қарасам, ўх-хў-ў! Ҳақиқий жанг «Камп Ноу»да эмас, мана шу блогда бўлар экан-ку! У ёқдагилар анча инсофли, Пепеси тушмагур Мессининг кўлини оёғи билан эзгиласа эзгилар, лекин... Буларинг бир-бирини гажир экан-ку! Онасиниям, аммасию холасиниям битта қолдирмай ўртага қўйиб сўкишишар экан, аҳмоқлар. Кошки, бу галварсларнинг уларни деб бир-бирини ҳақоратлаб, сўкиб, кулга булаётганларини Флорентино Перес билан Сандро Росел билса! Билганда нима қиларди, тилла-милла «посилка» қип жўнатармиди? Балли, сизларга! Ўз терма жамоаларинг, клубларинг, футболчиларинг қолиб, бизни ардоқлар экансиз! Миннатдорлигимизни қабул қилинг, деб ҳеч бўлмаса, биттадан билет юборадими, конвертга тиқиб? Шоматалоқ ҳам юбормайди! Буларинг, билмайман, эсини тўпнинг ичига дам қилиб солиб юборганми, фирт анави бетига бўёқ суртиб оладиган қип-қизил фанатикларнинг ўзи, дейсан! Аслида, на алжирайдиган айрим шарҳловчилар, на

бир соат ўйнаб-ўйнамай тили бўйинбоғдай осилиб қоладиган футболчиларинг эмас, қип-қизил тўп — мана шу фанатларинг бўлади! Ярамас-тўнка-аблаҳ-бета-ийн тўплар!

— Бўлди-бўлди, қизишманг, ҳазрат. Умуман, сизга шарҳловчилик кўп ярашар экан. Нега экранда кўринмайсиз?

— Каминанинг шарҳлари, агар эътибор берсангиз, кўпинча ёзиб олинган ҳолда эфирга кетади. Тиккалай эфирларда мен нодоннинг сўкиниб юборадиган одатим бор. Режиссёрлар билиб қолган, кўрсатувларда кўпинча фақат кадр ортидан гапираман. Сўкинган одамнинг башарасиям ўзгача бўлса керак-да — кўрсатишмайди.

— Ўткир тўп ака, бир неча йилдан бери спортда сиз, бу адабиётдан кетганингизни англадимми?

— Нимага энди, мен ҳалиям адабиётнинг ўртасидаман.

— Қанақасига?

— Ана, «танланган асарлар»им боз чиқиб ётибди. Китоб дўконларида кўзингиз тушмабди-да?

— Кўрдим-у, тўғриси айтсам, уларнинг кўпи қайта-қайта нашр этилган. Битта китобингизни тўртта нашриёт баравар босавергандан кейин... Бу, янги ижодий режалар қилмаяпсизми?

— Режалар кўпу, уларни айтганимдан фойда бўлмаса керак. Қолаверса, ҳозир мен шундай бир нарсалар қилмоқчиман, десам, эртага Эшмон Маллага ўхшаган нусхалар унинг «халтура» нусхасини бозорга опчиқиб, ёйиб ўтирганини кўрасиз. Бу борада кўп оғзим куйган, пухта бўлиб қолганман. Шунинг учун ҳам режаларимни ошкор қилавермайман.

— Майли унда, айтманган режаларингиз амалга ошаверсин, Ўткир Болта ака... Узр, суҳбатимиз адабиёт ҳақида тугаяпти-ку, шундай десам бўлар...

— Бўлади, укажон, бўлади. Саломат бўлғайсиз.

Суҳбатни ЭЛМУРОД дегани «олиб бориб-олиб келди»

Табассум

ДАРЁНИ «СУПУРАЁТГАН» ҚАЙИҚЧИ

Кичкина Шербек биринчи марта ота-онаси билан дарё бўйига борибди. Балиқ овлашибди, чўмилишибди, мазза қилиб дам олишибди.

Ақлли бола эмасми, Шербек соҳилда ўйнаб ўтирган экан, қайиқда бир одамнинг сузиб кетаётганини кўриб қолибди-ю, отасининг олдига югуриб бориб, кўрганни айтаётганмиш:

— Дада, қаранг, қаранг, анави ерда бир одам дарёни супураёпти!

БОЗОРДАГИ ҲАЗИЛ

Харидор сотувчига эътироз билдираётганмиш:

— Бодрингиз сарғайиб кетибди-ку! Менга ям-яшили ёқади.

— Сизга ям-яшили ёқса, ана, помидордан олинг, улар ям-яшил!

НОЁБ ЭСДАЛИК

— Оғайни, менга юз минг сўм қарз бериб туролмайсанми?

— Нима учун экан?

— Масалан, эсдалик учун!..

БЎЁҚЧИ

Ёш Насриддинга отаси бозорга кетаётди, қайтунича деразаларни бўйини та-йинлабди. Қайтиб келса, Насриддин дар-воза олдида илжайиб турганмиш.

— Дада, айтган ишингизни қилдим, энди ромлариниям бўйяйми?

Саодат МИРЗАМЕДОВА тўплади

Электрон кутубхона — замонавий хазина

Taraqqiyot

Тарихда бой кутубхоналари билан шуҳрат қозонган шоҳлар, шаҳарлар кўп бўлган. Масалан, эллинизм даврида вужудга келган Искандария (Александрия) кутубхонасига милоддан аввалги III асрда асос солинган. Бу ерда 700 минг жилдга яқин китоб сақланган.



Инсоният тараққиёти қанча юксаликка кўтарилса, бунда кутубхонанинг рад қилиб бўлмас ўрни бор. Бугун кутубхоналарнинг ўзгача шакли секин-аста шаклланмоқда. Бу ўринда электрон кутубхоналарни назарда тутяпмиз. Ахборот технологиялари ривожланиши китобларнинг ҳам электрон шаклига эҳтиёжни юзага келтирди.

Ҳамма соҳаларда жадал тус олиб келаётган ривожланиш жараёни кутубхоналарда ҳам ҳавас қиларли даражада. Айниқса, оммаани ўзига тезкорлик билан жалб қилаётган электрон кутубхоналар вақт, сарф-харажат борасидаги қулайлиги билан ҳам барчага маъқул келмоқда. Бугун ёшларнинг китоб ўқимаслиги тўғрисидаги баҳс ва мунозаралар қизиган. Аммо кези келганида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, китобни сев-

ган ўқувчи ҳар қандай макон ва замонда ҳам ўзига керак бўлган адабиётни топишга ва ўқишга имкон топади. Электрон кутубхона эса айтишу каби ғайратли ёшларимизнинг вақтдан, ахборот базасидан унумли фойдаланишида жуда қўл келади.

— Электрон кутубхона мен учун жуда қулай. Айниқса, таътил вақтларида — узоқроқ жойга кетадиган бўлсам, ҳеч қандай муаммосиз «кутубхона»ни ўзим билан олиб кетишим, янада яхши жиҳати, мендаги бирор китобга қизиқиб қолган дўстимга бир неча дақиқада айтиш китоб нусхасини совға қилишим мум-

кин. Илгари ўқишни истаган, лекин топа олмаган адабиётларимнинг электрон шаклини бугун жуда тез ва осон топаман. Шахсий китоб жавонимда эллиқдан ортиқ китоб жамланган, электрон кутубхонада эса тўрт юзга яқин турли йўналишдаги адабиётни йиққанман, — дейди коллеж ўқувчиси Санобар Сафарова.

Ёшларни турли қулайликлари билан ўзига тортаётган компьютер тузилмасининг улар ҳаётига кутубхона шаклида ҳам кириб бориши кишини қувонтиради.

Нилуфар ҲАЙИТОВА

Imkoniyat

Ёш тадбиркорга яқин кўмакчи

«Микрокредитбанк» ОАТБ Учқизил филиали доим мижозлар билан гавжум. Бугунги кунда 583 мижозга банк хизматини кўрсатиб келаётган мазкур банк филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка иштиёқи баланд ёшларнинг ҳам яқин ҳамкори ва кўмакчиси.

Севара Иброҳимова Учқизил туманидаги Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касбхона колледжидан ўқийди. У мазкур банкдан 1800000 сўм кредит олиб, тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйганди. Ҳозирги кунда ушбу цехда мактаб

ўқувчилари учун кўркам либослар тикилмоқда. Асосийси, маҳалладаги уч нафар чевар қиз иш билан таъминланди.

Халқобод педагогика коллежи битирувчиси Ойжамол Удамуродова ҳам «Микрокредитбанк» ОАТБ

Учқизил филиали мижозларидан. Тенгдошимиз банкдан олган уч миллион сўм кредит эвазига гилам тўқиш ускуналарини олиб келиб ўрнатди ва гилам тўқишни йўлга қўйди. Ойжамол бу хайрли ишга етти нафар тенгдошини ҳам жалб этиб, улар бандлигини таъминлади.

«Микрокредитбанк» ОАТБ Учқизил филиали фаолиятида бундай мисоллар талайгина. Юртимизда ёшларга қаратилган юксак эътибор туфайли

банкдан кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш баробарида, кўплаб тенгдошларини иш билан таъминлаётган ёшлар эртага йирик компанияларга асос солса ҳам ажабланмаймиз. Зеро, маррани баланд қўйиб, азму шижоат билан мақсади сари дадил интилган ёшлардан катта-катта ишларни кутиш мумкин.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА, Сурхондарё вилояти

Yoshlik ilhomi

ХАБАР

Хаёлларим учиб шамолда,
Қайтиб ўзим томон урилди.
Кўзларимдек пир-пир еллина,
Юрагимга кескин бурилди.

Чўчиб кетди юрагим бирдан,
Кўз остимга киприк тушибди.
Бу — кимнидир соғинишимдан,
Қаранг, у сиз томон учибди.

Дунё-дунё сўзларим шу кеч,
Тўқилмасдан тошиб кетдим?
Кипригимга битилган соғинч,
Ҳеч уринмай сизга етдим!?

МЕН ЎЗИМНИ...

Гуллар билан сўзлашиб турган,
Орзулар-ла осмонда юрган,
Кимгадир бор меҳрини берган —
Мен ўзимни соғиниб кетдим.

Қўшиғида дунё нафаси,
Пардай енгил ҳар қадам саси,
Париларнинг келар ҳаваси —
Мен ўзимни соғиниб кетдим.

Йилгаса гар қуёш безовта,
Кулгисидан олам чароғон,
Ўзи йиғлаб, ўзи овулган —
Мен ўзимни соғиниб кетдим...

Хаёлим измида яшайман мен,
Ақлим бўйсунмайди, кўнглимда титроқ.
Гуноҳларга гуноҳ қўшайман мен,
Кўзларим юмилган, гурурим тупроқ.

Дақиқа, кун сайин озиб кетяпман,
Ҳаёт муҳаббатим сўриб оляпти.
Семириб кетяпман дунёга сиғмай,
Ичим нафратларга тўлиб боряпти.

Кетдингиз қайрилмай, оромим олиб,
Сиз юрган кўчада чироқлар ўчди.
Зулматда пайпаслаб қадамим босдим,
Соғинчим сув бўлиб ёшларга кўчди.

Бўғзимга тиқилар дардли бир ўқинч,
Ёлғизлик азоблар, жиссим куяди.
Сабримни синайди, қийнайди соғинч,
Не қилай, ўжар дил уни суяди.

Сен ҳам мени соғиндингми, бинафша,
Беозорим, мени бағринга босгин.
Отамдек меҳрибон, дардкашим ўзинг,
Эркалаб шамолда ифоринг соғин.

Қўшиқ айтиб бергин отам ҳақида,
Унингдек куйламас ҳеч ким, биламан.
Қўларидан тутиб, ой-ла баравар чопган
Қунларимни энтикиб ёдга оламан.



ДАЛАЛАРНИ СЕВАМАН
Далаларим — суюнган тоғим,
Экинзорга кўзим тикаман.
Икки қулоч бўлса-да боғим,
Ҳар япроққа меҳрим тутаман.

Далаларни севаман чиндан,
Ўт-ўланни ҳидлаб кўраман.
Гулу гиёҳларни ёмғирлар ювган,
Ҳўл тупроқнинг ҳидин севаман.

Моҳисадаф УБАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти талабаси



Олов билан ўйнашиб

Тайванлик Суэмбе исми ҳайвон ўргатувчининг бошини тимсоҳ тишлаб олди. У махсус фермада жониворнинг бошига уриб ҳар хил томошалар кўрсатади.

Тимсоҳга азоб бераётганини томошабинлар қичқирликлар билан видеога олиб турдилар. Томоша сўнггида эса, ҳайвон ўргатувчи тимсоҳнинг оғзига бошини тикади. Жонивор эса шу захоти унинг бошини тишлаб силтай бошлайди. Суэмбенинг бахтига шериги жониворнинг думидан бор кучи билан тортади. Тимсоҳ «устози»ни уч-тўрт мартаба силтагандан сўнг қўйиб юборди. Суэмбенинг юзи ва бўйни жиддий шикастланди.

Машина-бассейн

Германия полицияси рейд давомида антиқа машинага дуч келди. BMW моделларидан бирининг томи сезиларли кесилган, ён-атрофи гуллар билан безатилган ва энг асосийси, машина ичи тўла сув эди.

Қизиқиб қолган полициячилар машинани тўхтатганларида эса, чўмилиш кийимидаги йигит қочиб кетди. Полиция бу антиқа машина эгасини кутишига тўғри келди. Бироздан сўнг машинасидан хабар олгани келган йигитча қўлга олинди. У фирт маст эди. Жарима майдончасига қантарилган машина-бассейнни кўриш иштиёқидан гилар деярли ҳар куни топилмоқда.

Испанияда темир йўл фалокати

Испаниянинг Галисия вилоятида катта тезликда юраётган поезд йўлдан чиқиб кетди. Салонида 247 йўловчи бўлган поезд ҳалокати натижасида 80 киши вафот этди, 94 киши жароҳатланди ва улардан 35 нафарининг ҳаёти хавф остида.

Кузатув камераларидан олинган маълумотларга кўра, соатига саксон километр тезлик билан ҳаракатланиш учун мўлжалланган темир йўлнинг бурилиш қисмида поезд соатида 190-220 километр тезлик билан юрган. Шу сабабли гумондор машинистларнинг аҳоли оғир бўлса-да, полиция кузатувида. Мамлакатда 1942 йилдан буён бундай ҳолат кузатилмагани сабаб, Галисияда уч кундан етти кунга қадар мотам эълон қилинди.

Хитойда қурғоқчилик

Хитойнинг жануби-ғарбий қисмидаги қуруқ ҳаво оқими ҳамда қурғоқчилик натижасида 1,15 миллиондан кўпроқ киши умуман сувсиз қолди.

Ҳозирга қадар 186 та дарё ҳамда 252 та сув омбори қуриган. Хитой мутахассислари қурғоқчилик давом этадиган бўлса, деҳқонлар 264,6 минг гектар майдондаги ҳосилдан айрилишини, чорвадорлар эса 125,3 минг қорамол йўқотиши мумкинлигини башорат қилди. Аҳолининг муқим иш жойига эга бўлмаган қисми Хитойнинг сувсиз ерларини анча олдин тарк этиб бўлди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

